

"IMPEX-INSURANCE" Акциядорлик  
жамияти Суғурта ташкилоти  
таъсисчиларининг  
2022 йил 22 маусим 1-сон  
Қарори билан

"ТАСДИКЛАНГАН"



"IMPEX-INSURANCE"  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
СУҒУРТА ТАШКИЛОТИ  
ТАЪСИС ШАРТНОМАСИ  
(Янги таҳрирда)

Тошкент шаҳри - 2022 йил

"IMPEX-INSURANCE" Акциядорлик жамияти сугурта ташкилоти таъсисчилари (акциядорлари) бундан бўён биргаликда "Таъсисчилар" ("Акциядорлар") деб номланувчи қуидаги шахслар:

- Гулямова Гулмира Урунбаевна (Gulyamova Gulmira Urunbayevna) жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг фукароси. (Паспорт маълумотлари: серияси AA 3116782, тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИБ томонидан 09.10.2013 йилда берилган);

- Алланазаров Данияр Тахирович (Allanazarov Daniyar Taxirovich) жисмоний шахс, Ўзбекистон Республикасининг фукароси. (Паспорт маълумотлари: серияси AA 7729331, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман ИИБ томонидан 24.11.2014 йилда берилган) ушбу Таъсис шартномасини қуидагилар тўғрисида имзоладилар:

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. "IMPEX INSURANCE" Aksiyadorlik jamiyati Sug'urta tashkiloti нинг (бундан бўён матнда "жамият" деб юритилади) мазкур таъсис шартномаси Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни (бундан бўён матнда "Қонун" деб юритилади) ва бошқа қонун хужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни (06.05.2014 й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа норматив-хукукий хужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида: "IMPEX INSURANCE" Aksiyadorlik jamiyati Sug'urta tashkiloti

Рус тилида: Акционерное общество страховая компания "IMPEX-INSURANCE"

Инглиз тилида: Joint-Stock Insurance Company "IMPEX-INSURANCE"

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида: "IMPEX-INSURANCE" AJ ST.

Рус тилида: АО СК "IMPEX-INSURANCE".

Инглиз тилида: JS IC "IMPEX-INSURANCE"

1.4. Жамият манзили (пошта манзили): 100057, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кичик Ҳалқа Автомобиль Йўли кўчаси, 38А-й.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.impex-insurance.uz](http://www.impex-insurance.uz); электрон почта манзили: impex-insurance@info.uz

## 2. ЖАМИЯТНИНГ ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

2.1. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият давлат рўйхатидан ўtkazilgan пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўrsatiш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

2.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

2.4. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган жойи кўrsatilgan юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўrsatiliши мумкин.

2.5. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўtkazilgan товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.6. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2.7. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.8. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.9. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.10. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар, шўъба корхоналари очишга ҳакли. Филиал жамиятнинг жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

2.11. Жамият қонун хужжатларига мувофиқ шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.12. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари талаабларига мувофиқ бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлишига ёки уларнинг устав капиталида бошқача тарзда иштирок этишга ҳакли.

2.13. Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш хукуқига эга бўлган акциядорлар сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорларнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядорлар мажбурий кўрсатмалар бериш хукуқига жамият уставида бу хукуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

2.14. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш хукуқига эга бўлган акциядорлар жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу хукуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорларнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

2.15. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

### **3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ**

3.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишdir.

3.2. Жамиятнинг асосий фаолият соҳаси суғурта хизматларини кўрсатишдан иборат.

Куйидагилар Жамиятнинг мақсадлариидir:

- 1) Ўзбекистон Республикаси худудида суғурта махсулотлари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
  - 2) йирик суғурта лойиҳаларида иштирок этиш;
  - 3) қайта суғурталашни амалга ошириш;
  - 4) юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш;
  - 5) хўжалик юритувчи субъектлар билан суғурта соҳасида ҳамкорлик қилиш.
- 3.3. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:
- 1) суғурта фаолияти классификатори умумий суғурта тармоғининг қуйидаги класслари буйича мажбурий ва ихтиёрий шаклда хизмат курсатиш:
    - а) баҳтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;
    - б) касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;

- в) ер усти транспорт воситаларини сұғурта қилиш;  
 г) харакатланадиган темир йўл таркибини сұғурта қилиш;  
 д) авиация сұғуртаси;  
 е) денгиз сұғуртаси;  
 ж) йўлдаги мол-мулкни сұғурта қилиш;  
 з) мол-мулкни олов ва табий оғатлардан сұғурта қилиш;  
 и) мол-мулкни зарадан сұғурта қилиш;  
 к) автофуқаролик жавобгарликни сұғурта қилиш;  
 л) авиация сұғуртаси доирасидаги жавобгарликни сұғурта қилиш;  
 м) денгиз сұғуртаси доирасида жавобгарликни сұғурта қилиш;  
 н) умумий фуқаролик жавобгарлигини сұғурта қилиш;  
 о) кредитларни сұғурта қилиш;  
 п) кафилликни (кафолатларни) сұғурта қилиш;  
 р) бошқа молиявий таваккалчиликлардан сұғурта қилиш;  
 с) хукуқий химоя қилиш билан боғлик харажатларни сұғурта қилиш;  
 2) сұғуртанинг янги турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;  
 3) Миллий ва чет эл сұғурта ташкилотлари билан ҳамкорликда қайта сұғурта фаолиятини амалга ошириш;  
 4) сұғурта буйича консалтинг ва бошқа турдаги маслаҳат хизматларини кўрсатиш;  
 5) сұғурта агента сифатида воситачилик хизматларини кўрсатиш;  
 6) Ўзбекистан Республикасининг қонунчилиги доирасида инвестиция фаолиятини амалга ошириш;  
 7) ташқи иқтисодий фаолиятни, шу жумладан сұғурта йўналиши бўйича амалга ошириш;  
 8) сұғурта муносабатларида интеллектуал мулк, фан-техника ютуқлари ва ихтиролардан фойдаланиш;  
 9) сұғурта қилинаётган объектларда профилактика ишларини ўтказиш;  
 10) илмий ва малака дастурларини тузиш, илмий-публицистик семинарлар, конференцияларни ташкил этиш;  
 11) сұғурта бозорининг профессионал иштирокчилари билан ҳамкорлик қилиш;  
 12) Жамият эҳтиёжлари учун кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш;  
 13) қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.  
 Фаолиятнинг маҳсус рухсат олишни (лицензиялашни) талаб қилиладиган турлари маҳсус рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

Қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

#### **4. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ)НИНГ МИКДОРИ**

- 4.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.
- 4.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам микдорини белгилайди.
- 4.3. Жамият оддий қанияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга хақли.
- 4.4. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида тўқсон фоизи пул маблағларида шакллантирилади.
- 4.5. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) 35 000 000 000,00 (Ўттиз беш миллиард) сўмни ташкил қилиб, у ҳар бирининг номинал қиймати 1 000,00 (Бир минг) сўм

бўлган 35 000 000,00 (Ўттиз беш миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

### **Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш**

4.6. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.7. Кўшимча акциялар жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

4.8. Жамият устав фонди (устав капитали)ни ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари суммаси 10 000 000 000,00 (Ўн миллиард) сумни ташкил этади, шу жумладан:

Оддий эгаси номи ёзилган акциялар - номинал қиймати 1 000,00 (Бир минг) сўм бўлган 10 000 000 (Ўн миллион) дона микдорда.

4.9. Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби белгиланади.

4.10. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпик обуна усули билан белгиланган тартибда фуқаролик-хукуқий битимлар тузиш йўли билан биржа бозорида ёки биржадан ташқари бозорда жойлаштирилади.

4.11. Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

4.12. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хукуқлар (шу жумладан мулкий хукуқлар) орқали амалга оширилади.

### **Жамиятнинг устав фонди (устав капитали)ни камайтириш**

4.13. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.14. Агар устав фонди (устав капитали)ни камайтириш натижасида унинг микдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам микдоридан камайиб кетса, жамият устав фонди (устав капитали)ни камайтиришга ҳақли эмас.

4.15. Устав фонди (устав капитали)ни камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фонди (устав капитали)ни камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

### **Жамиятнинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари**

4.16. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

4.17. Жамиятнинг корпоратив облигациялари Жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар булиши мумкин.

4.18. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тугрисида карор қабул килиш санасидаги уз капитали микдори доирасида чиқаришга ҳақли.

4.19. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши карорига кура амалга оширилади.

4.20. Жамият томонидан Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши карорига кура акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган такдирда,

мазкур карор Жамият акциядорларининг барча аъзолари томонидан бир овоздан кабул қилиниши керак.

## **5. АКЦИЯДОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Жамиятнинг акциядори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварагидан ўзига таалукли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қофозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядор қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни — мазкур акциялар эгасини ушбу Қонунда белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

5.2. Акциядор жамият Уставида ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

5.3. Жамият акциядори қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Жамиятнинг Устав қоидаларига ва Уставда кўрсатилган тартибда, миқдорда ва усулда хисса кўшиш (акция ҳакини тўлаш);
- Жамият фаолияти тўғрисидаги маҳфий маълумотларни ташкил қилувчи сирларни фош қилмаслик;
- Миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равища талаб қилиш ва маҳфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йули билан жамият директори фаолиятига тўскинлик қилмаслиги дозим;

- Акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳакида жамиятни, унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳакида ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, жамият, Марказий депозитарий ва инвестиция воситачиси бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

5.4. Акциядор жамият уставида ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

## **6. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАР БҮЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТҮЛАШ ТАРТИБИ**

6.1. Жамиятнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин. Жамиятнинг барча акцияларининг номинал қиймати 1 000,00 (Бир минг) сўмни ташкил этади.

6.2. Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига ҳар йили акциялар номинал қийматининг 70 фоизи микдорида дивиденд олиш хукукини беради.

6.3. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланяётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

6.4. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

6.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

6.6. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл кўйилмайди.

6.7. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

6.8. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

6.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият акциядорлариининг тавсияси, молиявий ҳисботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисбот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.10. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

## **7. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ**

7.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

7.3. Жамият устав фонди (устав капитали)нинг 15 фоиздан кам бўлмаган микдорда жамият захира фонди ташкил этилади.

7.4. Жамият захира фондига Ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган микдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз микдорида ажратмалар ўтказади.

7.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

## **8. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИГ ТУЗИЛМАСИ**

8.1. Жамият бошқарув органлари - акциядорларнинг умумий йиғилиши ва ижроия органи (Бош директор).

## **9. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

9.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳирдаги уставини тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият акциядорларининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

жамиятнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш;

жамиятнинг устав фонди (капитали)ни камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиккан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

жамият акциядорларининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият акциядорларининг ҳисоботларини эшлиш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли хуқуқини кўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вакт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

жамият уставининг 7.3-бандида кўрсатилган масалаларини акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият акциядорларининг умумий йигилишида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисбботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият акциядорлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият акциядорлари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувани ўтказиши тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шуъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамият директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлик битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.4. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

9.5. Жамият акциядорлар умумий йигилиши жамиятнинг "Акциядорлар умумий йигилиши тўғрисида"ги низом асосида чакирилади ва ўтказилади.

9.6. Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Конунининг 74 моддаси иккинчи қисмiga кўра овоз берувчи акциялар эгаси бўлган акциядорларнинг сони ўттиз кишидан кам бўлган жамиятда жамият кузатув кенгашининг вазифалари жамият устави билан акциядорларнинг умумий йигилиши зиммасига юклатилиши мумкин.

Шу муносабат билан амалдаги қонун талабларига биноан кузатув кенгаши ваколати доирасига киритилган ҳар қандай ваколатли қарорларни қабул қилиш Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади.

## **10. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ**

10.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати яккабошчилик асосидаги ижроия орган - Жамият Бош директори томонидан амалга оширилади.

10.2. Жамият Бош директори яккабошчилик асосидаги ижроия орган ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорларига мувофиқ амалга оширади.

10.3. Жамият Бош директори томонидан ушбу устав ва меҳнат шартномаси шартлари қўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсатгичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган заарлари сабабли улар билан тузилган шартнома Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига биноан муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

10.4. Жамият Бош директори ваколати муддатидан илгари тутатилган тақдирда, Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтингча бажариб туришига йўл қўйилади.

10.5. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари ва Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

10.6. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилишига ҳисобот беради.

10.7. Жамият Бош директори билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши раиси ёки Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан ваколат берган шахс имзолайди.

10.8. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланади (тайинланади). Жамият ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

10.9. Жамият Бош директорига тўланадиган ҳақ микдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва меҳнат шартномасида белгиланган бўлади.

Тузиладиган шартноманинг шартлари Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

10.10. Жамиятнинг Бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидағи лавозим билан биргалиқда эгаллаб туришга фақат Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши розилиги билан йўл қўйилади.

10.11. Жамият Бош директори билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

10.12. Жамият Бош директорининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- мазкур устав ва акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва максадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини таъминлаш ва олиб бориш;
- Жамиятни бизнес-режалари ишлаб чиқиш ва бажариш;
- Жамият ҳисоботини акциядорларнинг умумий йигилишига белгиланган муддатда тақдим этиш;
- филиал ва шўъба хўжаликлар фаолиятининг йўналишларини белгилаш, бизнес режаларни тасдиқлаш ва ҳисбботларни бажарилишини таъминлаш;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол –мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;
- ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимлар (умумий қиймати карор қабул қилинган санада Жамият соғ активларининг 15 фоизигача ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлик бир қанча битимлар) тузиш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йигилишининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини белгилаш;
- Жамият номидан битимлар тузиш, Жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти ва филиаллари ёки ваколатхонаси раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;
- филиал ва шўъба хўжалик жамияти фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес-режаларини ва бажариш тўғрисидаги ҳисбботларини тасдиқлаш;
- Жамият филиаллари ва шўъба хўжалик жамиятларининг штат жадвалларини тасдиқлаш;
- Жамият шўъба хўжалик жамиятлари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидағи корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қиласди;
- банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади;
- ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;
- Жамият Бош директори қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 10.13. Жамият Бош директорининг мажбуриятлари:

- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
- Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали харакатини таъминлаш;
- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йигилишига белгиланган муддатда тақдим этиш;
- акциядорларининг умумий йигилишида қатнашиш, дивиденdlар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча хукуqlарига риоя қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамият акциядорларининг умумий йигилиши ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни саклаш;
- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;
- давлат статистика ҳисботи ва бухгалтерия ҳисботини тегишли органларга тўлик ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамият Бош директори, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**10.14. Жамият Бош директорининг хукуқлари:**

- қонунчиликка, мазкур устав ва меҳнат шартномасига асосан ўзига тегишли ваколатларга мувофиқ, мустақил равишда Жамиятнинг жорий фаолиятида раҳбарлик қилишда;
- туғилган барча саволларни ҳал этиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, ҳамда унинг манфаатларини бошқа ташкилотлар ва органлар олдида ҳимоя қилиш;
- Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;
- Жамият ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, улар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

Жамият Бош директори қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**10.15. Жамият Бош директори ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.**

**10.16. Жамият Бош директори қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.**

**10.17. Жамият Бош директори мазкур устав ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.**

## **11. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШЧИСИ, ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ВА АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ**

**11.1. Жамиятнинг фаолиятида тафтиш комиссияси тузилмайди.**

**11.2. Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳаки миқдорининг юз минг бараваридан кўп бўлган Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамият акциядорларининг умумий йигилиши олдида ҳисобдордир.**

**11.3. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлик ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини,**

хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

11.4. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

11.5. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун хужжатларида белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик холосасини тақдим этади.

11.6. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри холосани ўз ичига олган аудиторлик холосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

## **12. ЖАМИЯТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ, ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ, ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ**

12.1. Жамият қонун хужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисбот тақдим этиши шарт.

12.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисбот ва бошқа молиявий ҳисботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

12.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида Жамиятнинг йиллик ҳисботи кўриб чиқилади.

12.4. Жамиятнинг йиллик ҳисботи акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамият акциядорларининг умумий йигилиши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланши лозим.

12.5. Жамиятнинг молиявий ҳисботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йигилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварагидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

12.6. Жамият Халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

### **12.7. Жамият:**

Жамиятнинг уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгаришиш ва қўшимчаларни, Жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

Жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳукуқларини тасдиқловчи хужжатларни;

акциядорларнинг умумий йигилиши ва Жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган хужжатларни;

Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

Жамиятнинг йиллик ҳисботини;

эмиссиявий қимматли қофозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

акциялар эмиссияси рисоласини;

бухгалтерия ҳисбига доир ҳужжатларни;

тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисботларни;

Жамият акциядорлари умумий йигилишларининг ва Жамият Баш директори буйруқларини;

Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатларини;

Жамият акциядорларининг реестрларини;

Жамият аудиторлик ташкилотининг хulosалари ва ҳисботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

12.8. Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт

### 13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга асосан ҳал қилинади.

13.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

13.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

Таъсисчилар:  
(Акциядорлар)

Гулямова Гулмира Урунбаевна

Алланазаров Данияр Тахирович

имзо

имзо

